

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**402 Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирок-
чисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгар-
тиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-4*

(2011 йил 6 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-
ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.,
29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Рес-
публикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги ни-
зомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й.,
3-сон, 11-модда) мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қим-
матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

маркази бош директорининг 2008 йил 29 ноябрдаги 2008-41-сон буйруғи билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1899, 2009 йил 6 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 66-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор в. в. б.

А. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 28 август,
2011-13-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази бош директорининг 2011 йил
28 августдаги 2011-13-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг
ички назорати тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 10-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Агарда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бевосита филиал томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ вазифаларни бажараётган филиалнинг штатида ходимлар сони уч кишидан ортиқ бўлмаса, профессионал иштирокчисининг бош ташкилоти назоратчиси ёки филиал раҳбари филиал назоратчиси вазифаларини бажариши мумкин»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

«11¹. Филиал назоратчиси вазифалари филиал раҳбари томонидан бажарилган тақдирда филиал раҳбари:

бош ташкилотнинг назоратчиси ва раҳбарига ҳисобдордир;

аниқланган барча қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларининг бузилиши тўғрисида бош ташкилотнинг назоратчиси ва раҳбарига ахборот беради;

филиал фаолиятига тегишли бўлган ҳисобот ҳужжатларини мазкур Низомда белгиланган тартибда бош ташкилот назоратчиси ва раҳбарига тақдим этади».